

НУТҚ МАДАНИЯТИДА РИТОРИКАНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Сейтжанов Жеткербай Елубаевич

*ҚДУ таржима назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди,
профессор*

Тилни бошқа маданий бойликлар сингари қадрлаш, унинг бетакрор ва гўзал намуналарини келгуси авлодларга етказиш, уни янгича ҳаётий мазмун ва маъно билан бойитиш, халқ тилини адабий тил шаклида доимо сақлаш ва шунга интилиш ҳам қулай, ҳам фойдали, ҳам маънавий – маданий аҳамиятга эга эканлиги ҳақиқат. Бу фақат халқнинг тилинигина эмас, балки тил эгаларининг асл ижтимоий қиёфаси, мавқеини сақлаб қолиши, адабий тилнинг ўзини ҳам қотиб қолган ҳолда эмас, кенг камровли мулоқотлар, динамик кўринишида – адабий нутқ сифатида намоён бўлиш имконини беради. Халқ ўз она тили ва унинг олий намунаси бўлмиш адабий шакли орқали миллий ўзлигини намойиш этишга ҳамда инсон табиатига хос ва ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган мукаммалликка интилиши унинг лисоний фаолияти миқёсида нутқ маданияти тарзида намоён бўлади [3].

Таълим ва маданият соҳасидаги давлат стратегиясида жамиятда саводхонликни ва маданий мулоқатни яхшилашга урғу берилади, аммо бу кўпроқ баёнотлар даражасида қолиб кетиб, ҳеч қандай аниқ ҳаракатлар билан тасдиқланмаяпти. Журналистлар оммавий ахборот воситаларида ўзларининг она тилларини ишлатишида масъул бўлиб келмоқдалар.

Нутқ маданияти моделининг мухим таркибий қисми – бу ўз фикрини тўғри, саводли ва ифодали узатиб бериш, содда, онг, ақл жихатидан тушунарли қабул қилинадиган ибораларни, ўз позициясини далиллар билан асослаб берувчи ўринли воситаларни топиш маҳоратидир [2].

Нутқ маданияти – бу «коммуникациянинг ўз олдига қўйилган вазифаларини амалга оширишида зарур бўлган самарани таъминланишида маълум бир вазиятдаги мулоқат этикасига риоя қилиш имконини берувчи тил воситаларини танлаш ва ташкиллаштиришни амалга оширадиган оғзаки ва ёзма шаклдаги адабий тил меъёрларини билиш»дир [3].

Нутқ маданияти анча кўп аспектларни ўз ичига олади, жумладан:

- 1.Мулоқат жараёни ва ифодаларни яратиш маданияти;
- 2.Асосий нутқ воситаси сифатида тилни билиш маданияти;

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERİ

V ilimiylar maqalalar toplamı

3. Сўзсиз коммуникация воситаларини ишлатиш маданияти;
4. Матнга оид нутқ маҳсулотларини яратиш маданияти;
5. Нутқнинг турли жанр ва стилларини эгаллаш маданияти;
6. Матнни яратишда ҳам (оғзаки ёки ёзма), ва уни ўқишида ҳам матнни қабул қилиш маданияти;
7. Бошқаларнинг ўз фикрларини билдиришларига нисбатан таъсирланиб, жавоб бериш маданияти;
8. Ёзма матнлар ва кўпгина бошқа аспектларга нисбатан муносабат билдириш маданияти.

Ушбу элементлар биргаликда инсоннинг турли вазиятларда ва контекстларда самарали ва адекват тарзда мулоқатда бўлишига таъсир кўрсатадиган нутқнинг комплекс маданиятини шакллантиради.

Шундай қилиб, ушбу таърифларнинг ҳаммаси нутқ маданиятига тегишилдидир, лекин улар ушбу маданиятнинг турли аспектларини кўрсатадилар ва турли контекст ва вазиятларда ишлатилишлари мумкин.

Нутқ маданияти ривожланишининг янги асири бошланиши функционал статистика пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Нутқ маданиятини таърифлаш учун муҳим критерийлар бўлиб стилистик мувофиқлик ва коммуникатив мақсадга мувофиқлик бўлиб қолди. Замонавий фан борган сари урғуни тил меъёрлари соҳасидан функционал ва коммуникатив оптималлик соҳасига суриб бориб, эътиборни функционал аспектга қаратмоқда [1].

Нутқ маданияти инсон ва умуман олганда жамият маданиятининг муҳим таркибий қисмидир. У тилдаги самарали ва хурмат-эътиборли мулоқат билан боғлиқ бўлган кўнишка ва меъёрларни тавсифлайди.

Нутқ маданияти ижтимоий-маданий ҳаётнинг муҳим аспекти бўлиб, жамият билан бирга ўсишда давом этмоқда. У самарали мулоқат қилиш, маданий меросни сақлаб қолиш ва миллий ва индивидуал ўхшашликларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Тилдаги меъёрий ҳолатларни белгилашда, тилнинг гадабийлик даражасини таъминлашда илмий асосланган имлова талаффуз қоидаларининг мавжуд бўлиши, улар ваколатлиташибилотлар томонидан расмийлаштирилиб, маълум маънода тил истеъмолчилари учун мажбурий бўлиши, қонунийхужжат ҳолига келтирилишининг аҳамияти катта, албатта. Аммо тил истеъмолчилариининг ҳаммасида ҳам ана шу қонун қоидалардан етарли даражада хабардор бўлиш имконибўлавермайди. Улар тил меъёрини асосан эшлиши ва кўришнатижасида

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERİ

V ilimiý maqalalar toplamı

ўзлаштирадилар қамда шу асосда гапириб ваёзиб кетаверадилар. Бунда тилдан фойдаланувчининг, айниқса, ёш пайтидаги, тилни энди ўзлаштира бошлаганчоғларидағи оила куршовининг, атроф мұхит, таълим ватарбия манбаларининг аҳамияти катта бўлади. Шунинг учунҳам кўпчилигимиз шевачилик иллатларидан қутула олмаймиз, айримларимизнинг саводҳонлигимиз ўзига ярашабўлади. Аслида бу жараён инсониининг бутун умри да давомэтиши мумкин [3].

Тил меъёри ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ учун мажбурий бўлиб, тилнинг барча аспектларини қамраб олади. Адабий тил меъёрлари таснифлари ичida қуидагиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: нисбий барқарорлик – меъёрлар вақт давомида ўз структурасини сақлаб қолиши тенденциясиға эга бўлиши; кенг тарқалганлик – уларнинг кўплаб вазиятлар ва контекстларда қўлланиши; ҳамма бир овоздан қабул қилинганлик – ушбу меъёрларга риоя қилиш ҳамма учун мажбурий ва кутилган натижали бўлиши; мажбурийлик – адабий тил меъёрларига ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда риоя қилиниши; тил тизимининг қўлланиши, қабул қилинган одатлар, қоидалар ва имкониятларга мувофиқлиги – меъёрлар тилнинг қоида ва имкониятларига мувофиқ бўлиши, ҳамда ҳамма бир овоздан қабул қилинган урф-одатлар йўналишига риоя қилиши керак.

Меъёрлар миллий тилнинг барқарорлиги, бирлиги ва ноёблигини таъминлашда мухим роль ўйнайди. Улар адабий тилнинг яхлитлиги ва тушунарли бўлишига ёрдам берадилар, ва уни шевалар, ижтимоий ва профессионал жаргонлар, ҳамда оғзаки нутқ таъсиридан ҳимоя қиласидар. Адабий меъёрлар миллатнинг бирлигини учта поғонада, яъни географик, тарихий ва ижтимоий поғоналардаги бирлигига имкон яратади.

Нутқ бойлиги–бу коммуникатив ҳусусият бўлиб, тил воситаларини турлича ишлатишда намоён бўлади. Нутқнинг ёрқинлиги, ифодалилиги ва оригиналлиги, ҳамда унинг образларнинг бой ассортиментини яратиш қобилияти тилнинг бойлигига боғлиқдир. Тил бойлигининг асосий компоненти тил ўз лугатига киритган кўплаб сўзлар, яъни сўзларнинг синонимик қаторларидир.

Нутқнинг тўғри структураси факторларнинг мантикий кетма-кетлиги ва уларнинг боғланишлари асосида курилади, шунингдек асосланган ҳолда ифодаланишини талаб қиласидар.

Бироқ нутқнинг ҳаммаболлиги сухбатдошнинг онг-билим даражаси, маълумоти, тарбияси ва ёшига боғлиқ бўлади. Шунга қарамасдан, бунда

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERİ

V ilimiý maqalalar toplamı

мuloқат ташаббускори муҳим роль ўйнайды, ва у ахборотни узатиб бериш усуларини мослаштириши ва сұхбатдошга тушунарлы бўлган тил воситаларини танлаши мумкиндир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Васильева А.Н. Основы культуры речи. М., 1990. 248 с
2. Кочнова К.А. Русский язык и культура речи: учебное пособие. Н.Новгород: НГСХА, 2013. 202 с.
3. Тешабаева Д.М., Камалова М. Нутқ маданияти. – Тошкент.: Иқтисодиёт, 2018.